

## Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

№ 46614-сонли пудрат

### ШАРТНОМАСИ

29 сентябр 2022 йил

Октош шаҳарчаси

Бундан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталувчи «Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Ш.Файзиев** бир томондан ва бундан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталувчи "TECHNO PAINT GROUP" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи **С.Ким** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

#### 1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ

1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи»нинг буюртмаси бўйича:

Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст темир йўл станциясида жойлашган «Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ Чуст филиали сизимлар саройидаги 34-сонли PBC-1000 м<sup>3</sup> русумли нефт маҳсулоти сақлаш сизимини мукамал таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

2. «Буюртмачи» эса, «Пудратчи»га шартномага мувофиқ объектни мукамал таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### 2. УМУМИЙ ШАРТЛАР.

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар «Пудратчи» ва «Буюртмачи» билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 санасига «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи»га тақдим этилади ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

4. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келмаса, «Пудратчи» ўз ҳисобидан бартараф этади.

#### 3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2. «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш.

3. Қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш вақтида, «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2019 йил 23 декабрдаги «Пудратчи ташкилотларга қўйиладиган саноат ва экологик хавфсизлик, соғлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги талаблар тўғрисидаги Низом» талабларига қатъий амал қилиш, зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш вақтида саноат, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидалари, меҳнат муҳофазаси талаблари, атроф мухитни, ўтқазилган дарахтлар



ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича талабларга амал қилмаслик оқибатида, назорат органлари томонидан «Буюртмачи»га нисбатан қўлланилган молиявий жарималарни тўлиқ ҳажмда қоплаб бериш.

5. Мазкур шартномада назарда тutilган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

6. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур ҳолатларда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

7. Таъмирлаш ишларини бажариш давомида лойиҳа-смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва курилиш (таъмирлаш)нинг смета қийматини ошириш зарурлиги аниқланса, бу тўғрида «Буюртмачи»га ёзма равишда хабар беради.

#### **4. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

1. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 10 иш куни давомида «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш.

3. Мазкур шартномада назарда тutilган барча мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **5. КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.**

1. Шартнома юзасидан ишларни амалга ошириш жараёнида томонлар томонидан манфаатлар тўқнашувини юзага келтиришга (таъмагирлик, асоссиз равишда муддатларни чўзиб юбориш, норматив-хужжатларга риоя этмаслик, сансоларликка йўл қўйиш) йўл қўймасликлари шарт.

2. Тарафларнинг бири томонидан коррупцион ҳаракатларга даъват қилишлик иккинчи томон зиммасига дарҳол мазкур ҳолат юзасидан корхона раҳбарига ёзма шаклда хабардор қилиши мажбуриятини юклайди.

#### **6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.**

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **204 601 943** (икки юз тўрт миллион олти юз бир минг тўққиз юз қирқ уч) сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма Тендер (танлов) савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки тўловларнинг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома имзолангандан сўнг, шартномавий қийматнинг 15 фоизи **30 700 000** (ўттиз миллион еттиз юз минг) сўм миқдоридаги аванс тўловни амалга оширади. Қолган тўловлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3)ларга асосан 90 кун мобайнида амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: «Пудратчи»нинг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича «Пудратчи» таъмирлаш ишларини 10 октябр 2022 йилдан бошлаб, 10 ноябр 2022 йилгача тўлиқ бажаради. «Пудратчи» таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. «Пудратчи» объект топширилгунига қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунига қадар, объектнинг тасодифий йўқ бўлиши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.



«Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шарнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилиши керак.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

1. «Пудратчи» объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня (устама) тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмай қолган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш «Пудратчи»нинг ишларнинг бажарилиши ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

1. Шарномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## **9. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.**

1. Агар ушбу шарнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги тарафларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, яъни уруш ҳаракатлари, эпидемия, табиий офатлар ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шарнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

## **10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

1. «Буюртмачи» ишларнинг тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

2. «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган жаражада бузилганда;

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

4. «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур шарномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига



мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шарномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 11. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

1. Мазкур шарнома имзолангандан кейин, мазкур шарномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

3. Мазкур шарномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шарномада назарда тутилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

5. Мазкур шарномада томонлар ўртасида тасдиқланиб, Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, ҳақиқий ҳисобланиб, бир хил юридик кучга эга бўлгани ҳолда 2 (икки) нусхада тузилди.

6. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга кириди ва амал қилиш муддати « 31 » декабр 2022 йилгача.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»

«Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ

ООО "TECHNO PAINT GROUP"

г.Ташкент,100027,ул.Бунёдкор, д.86/82

ИНН 302 680 919

р /счет 20 208 000 900 247 970 001

в «Асакабанк» Аж Шайхантохур ф-ли.

МФО 00969, ОКОНХ 61125

Телефон +(99890) 964-88-80

"TO'RAQO'RG'ON NEFT BAZASI" M.Ch.J.

To'raqo'rg'on tumani, Oqlosh shaharchasi, Bobur shoh ko'chasi 2-uy.

H/T: 2021 0000 6042 6776 2001

MFO: 00440 O'zshanoatqurilishbank

INN: 204 595 174 OKED: 46 710

Директор:

Ш.Файзиев

Директор:

С.Ким

м.ў.

